ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI

FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 4 март, шанба № 37-38 (2087)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ҚАРОРИ*

## Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар резервга бўшатилсин.

2. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2006 йилнинг апрел-май ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Давлат тест маркази билан биргаликда жойлардаги чақирув комиссияларининг самарали ишлашини ташкил қилсинлар, чақирилувчиларнинг сифатли ва холисона тиббий кўрикдан ўтказилишини, уларнинг маънавий-руҳий фазилатлари ва интеллектуал ривожланиш савияси қонунчиликда белгиланган танловнинг ҳарбий- касбий мезонларига қатъий мувофиқ равишда ўрганиб чиқилишини таъминласинлар;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда Қуролли Кучлардан резервга бўшатилган фуқароларни ишга жойлаштириш комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар, улар учун хизмат даврида эгаллаган ҳарбий ва фуқаролик мутахассисликларини ҳисобга олган ҳолда иш жойлари олдиндан тайёрлаб қўйилишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги (Р.Мирзаев), Ички ишлар вазирлиги (Б.Матлюбов), Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Иноятов), ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 мартдаги «Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтариш тартиби тўғрисида»ги 84-сон қарори талабларига қатъий равишда муддатли ҳарбий хизматга чақирилишини, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилишни, шунингдек резервга бўшатилган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтаришни ташкил қилишни;

армияга кузатиш, ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ёшларни кутиб олиш маросимлари кенг жамоатчилик, фахрийлар, маданият арбоблари, артистлар жамоаларининг иштироки билан тантанали вазиятда ўтказилишини таъминласинлар. Бундай тадбирларни амалга ошириш армияга чақирилувчилар ва хизматни ўтаб келган ёшлар, уларнинг ота-оналари ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолиши, ёшларни маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш самарадорлигини оширишга ёрдам бериши керак.

5. Мудофаа вазири (Р.Мирзаев) шу йилнинг 1 июлигача муддатда:

мудофаа ишлари бошқармалари ва бўлимлари ўртасида 2006 йил баҳоридаги муддатли ҳарбий хизматга фуқароларни чақириш ҳамда ҳақиқий ҳарбий хизматдан бўшаш тадбирларини энг яхши ўтказиш мусобақаси якунларини чиқарсин;

мусобақа ғолибларини маънавий, моддий рағбатлантириш чора-тадбирларини назарда тутсин ва амалга оширсин. Фуқароларни ҳарбий хизматга чақириш, армия хизматини ўтаб бўлган ёшларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тадбирларини ўтказиш борасидаги вазифалар ҳамда қўйилган талабларнинг сифатли бажарилишини таъминламаган бўлинмалар ва уларнинг раҳбарлари ишига танқидий баҳо берилсин.

6. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (А.Ходжаев), Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (Б.Алимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқулов)га чақирилувчиларни муддатли ҳарбий хизматга тайёрлашнинг боришини, фуқароларни ҳарбий хизматга чақиришнинг амалга оширилишини, чақирув комиссиялари ишини, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматнинг ташкил қилинишини ва Қуролли Кучлардан резервга бўшатилган ҳарбий хизматчиларни жойларда кутиб олиш бўйича тантанали тадбирлар уюштирилишини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик Кенгаши Котиби М.Атаев зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 3 март.



*Буни ҳаёт дейдилар*

### СЕН БАРИБИР МУҚАДДАССАН, МУҚАДДАС АЁЛ!

*5-бет*

*Тарихнинг ўқилган, ўқилмаган саҳифалари*

### ҲИРОТНИ ЛАРЗАГА СОЛГАН КУН

*11-бет*







*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси IV қурултойи қарорлари — ҳаётга*

### ИШЧАНЛИК ТАШКИЛОТ НУФУЗИНИ ОШИРАДИ

*2-бет*

*7-10-бетлар*



# Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси IV қурултойи қарорлари — ҳаётга







## ИШЧАНЛИК ТАШКИЛОТ НУФУЗИНИ ОШИРАДИ

***Кундалик ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришлар, янгиланишлар, жамиятни демократлаштириш ва эркинлаштирш соҳасида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодийислоҳотлар, касаба уюшмалари фаолиятини янада кучайтиришни тақозо этади. Шу боис касаба уюшмалари амалдаги қонунлар Меҳнат Кодекси ва белгиланган Ҳаракат Дастури талабларига мувофиқ меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашга жиддий эътибор қаратганлар. Ўз аъзоларининг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-интеллектуал ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалашда ижтимоий шерикчилик тамойили асосида иш тутаётганлиги муваффақиятни таъминлаяпти. Шунинг билан бирга фуқароларнинг онги, турмуш тарзи ўзгараётган бир пайтда айрим касаба уюшма ташкилотлари фаолиятида ишчанлик, ташаббускорлик ва фаолликнинг етишмаётганлиги ҳам сир эмас, албатта.***

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Президентимиз маърузасида баён этилган фикрлар ҳар бир касаба уюшма аъзосидан янги куч, янги ғайрат билан ишлашни талаб этади.

Куни кеча Қаршида касаба уюшма ходимлари ва фаоллари билан ана шу вазифаларга бағишланган минтақавий ўқув-семинари бўлиб ўтди. Унда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоят бирлашмаси раҳбарияти ва бўлим мудирлари, тармоқ касаба уюшма ташкилотларининг вилоят, туман, шаҳар кенгаши раислари иштирок этдилар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Мирзоҳид Содиқов "Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси IV қурултойи қарорларини бажариш юзасидан касаба уюшма ташкилотлари вазифалари тўғрисида" чиқиш қилди. Маърузада мамлакат касабачиларининг улкан анжуман қарорларининг ижроси чуқур таҳлил қилиб берилди.

Ҳар бир касаба уюшма ташкилоти қурултой қарорларини бажариш бўйича тегишли тадбирлар белгиланиб, унинг изчиллик билан амалга оширилишига эришмоғи керак. Таҳлиллар кўрсатиб турибдики, ҳар иккала вилоятдаги айрим касаба уюшма ташкилотлари бу соҳада етарли иш олиб бормаяптилар. Шаҳар ва туманларда фаолларнинг ўқувлари ташкил этилмаган. Дастурий вазифалар ижросида изчиллик етишмайди. Касабақўм раисларининг ҳуқуқий саводхонлиги паст. Иш берувчилар олдига аниқ талаблар қўя олишмайди. Жамоа келишувлари ва шартномаларда белгиланган бандлар иш берувчилар томонидан тўлиқ бажарилмаяпти.

Тармоқ тузилмаларининг ташкилий таркиби ўзгартирилиб, вакиллик ташкил этилди. Аслида уларнинг иш услуби ва усулида ўзгариш бўлган эмас. Талабчанлик сусайиб кетган. Савдо, матлубот кооперациялари ходимлари ва тадбиркорлар, қурилиш ва қурилиш ашёлари ходимлари касаба уюшмалари ишида камчиликлар кўп. Мулк шакли ўзгариши билан тадбиркорлик субъектлари, деҳқон-фермер хўжаликлари касаба уюшмалари таркибий тузилмасини шакллантириш тўғрисида ўйлаб кўриш пайти келди.

Ижтимоий шерикчиликнинг асосий механизми тармоқ келишувлари жамоа шартномалари бўлиб, улар орқали меҳнаткашларни ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари муҳофазаланади. Молия хўжалик фаолиятини юритиш, аъзолик бадаллари ва йўлланмалар тушумидан келадиган маблағлардан қарздорликни бартараф этиш, маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт ишларини тўғри йўлга қўйиш зарур.

2006 йилни "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилиниши муносабати билан аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш, фуқароларни моддий ва маънавий рағбатлантириш йўлларини излаб топиш асосий вазифа бўлиб қолди. Қашқадарё вилоятида ҳафтанинг ҳар якшанбаси "Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш куни" деб эълон қилинганлиги ва мингдан ортиқ кам таъминланган оилаларга майда моллар, паррандалар тарқатилганлиги ҳар жиҳатдан ибратли.

Семинарда Федерация кенгаши меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуд Исаевнинг "Меҳнат муносабатларини тартибга солишда жамоа келишувлари ва шартномаларининг аҳамияти", юридик бўлими мудири Абдусалом Рисқуллаевнинг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларга белгиланган ҳақ-ҳуқуқлар, Меҳнат Кодекси ва "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонунларни ҳаётга тадбиқ этишда касаба уюшма ташкилотларининг вазифалари ҳақида"ги маърузаси мисолларга бойлиги билан йиғилиш қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Кенгаш молия бўлими мудирининг ўринбосари Ашур Асадовнинг "Касаба уюшма ташкилотларида 2005 йил бюджетининг бажарилиши ва молия интизомини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар", ижтимоий суғурта бўлими мудирининг ўринбосари Римма Верешагинанинг "Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари томонидан ижтимоий суғурта бюджетининг 2005 йилда бажарилиши ва суғурта маблағларидан мақсадли фойдаланиш юзасидан касаба уюшма ташкилотларининг вазифалари тўғрисида"ги чиқишларида ҳақиқий аҳвол жойлардан олинган мисоллар асосида таҳлил қилиб берилди.

Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашлари раислари Илҳом Сабдаров, Қорахон Ҳайитмуродовлар ўз чиқишларида фермер хўжаликларида меҳнат муносабатларини шакллантириш, ходимлар ҳуқуқлари ҳимоясини такомиллаштиришнинг долзарб масалаларига тўхталдилар.

Ўқув-семинари ўзаро фикр алмашув ва ишчанлик руҳида ўтди.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**Шавкат СУЛТОНОВ,**
**«Ишонч» мухбирлари**

## ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси IV қурултойи қарорларини ўрганишга бағишланган ўқув-семинарида меҳнат маслаҳатлари тизимини шакллантириш тўғрисида ҳам фикр юритилди. Иш юритишнинг бундай усули касаба уюшмалари фаолиятида янгилик бўлиб, бандликни қўллаб-қувватлаш ва кенгайтириш, ишчилар билан маъмуриятнинг меҳнат соҳасидаги ҳамкорлиги муаммоларини ҳал этишга хизмат қилади.

Корхонамизда ўн кишидан иборат меҳнат маслаҳатлари комиссияси фаолият кўрсатмоқда. Тузилган иш режасида, жамоа шартномасида кўзда тутилган мажбуриятларнинг бажарилиши билан боғлиқ мисоллар ўз ифодасини топган. Иш берувчилар вакиллари билан ҳамкорликда иш олиб бораётганлигимиз туфайли ойлик маошлар вақтида тўланяпти. Меҳнат муҳофазаси тўғри йўлга қўйилган. Ижтимоий ҳимояга алоҳида эътибор берилаяпти. Яқин келажакда ўқув семинарида кўтарилган масалалар, қўйилган вазифалар асосида комиссия фаолиятини янада яхшилаймиз.

**Марат ШОҲИМАРДОНОВ,**
**«Мубораркнефтгаз» унитар шўъба корхонаси касаба уюшмаси меҳнат маслаҳатлари доимий комиссияси раиси**

## ЎҚИТУВЧИ МАСЪУЛИЯТИ

«Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури таълим ходимлари олдига муҳим вазифалар қўйди. Уларни ижтимоий ҳимоя қилишда касаба уюшма ташкилотларининг ўрни алоҳида. Федерация Кенгашининг IV қурултойида белгилаб берилган вазифаларни бажариш учун астойдил меҳнат қилаяпмиз.

Тасарруфимизда 6242 нафар касабақўм аъзолари 60 та бошланғич ташкилотга бирлашган. Тармоқда меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг ўрни алоҳида. Салкам 5 минг нафарга яқин хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўринларини таъкидлаш керак. Тармоғимиздаги бошланғич ташкилотларнинг ишидан кўнглимиз тўқ. Бошланғичларнинг 44 таси мактабларда, 16 таси вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли мактабдан ташқари таълим муассасаларида фаолият кўрсатмоқда.

Биз ўтказилган минтақавий семинарда кўп нарсани ўрганиб олдик. Хусусан, сурхондарёлик ҳамкасбларимиз билан бўлган мулоқот бизда катта таассурот қолдирди. Улар билан ўзаро фикр алмашдик. Давлатимиз таълим ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор беряпти. Бунга жавобан ишларимизни яна ҳам жонлантиришимиз лозим. Ютуқлар билан бирга ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд. Илғор тажрибаларни оммалаштириш ишимизда бурилиш ясайди, деб умид қиламиз.

**Жамила ТЎРАҚУЛОВА,**
**Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгашининг Қарши шаҳри бўйича вакили**

## ЕТАКЧИ КУЧ

Қурултой олдимизга улуғвор вазифаларни қўйди. Бугунги кунда касаба уюшмалари етакчи кучга айланиб бораяпти. Тармоғимизда 14 та бошланғич ташкилот бўлиб, ўз атрофида 40 минг нафардан ортиқ аъзоларни бирлаштирган. Мақсадимиз ходимларимизни иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш.

Жорий йил «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинганлиги зиммамизга яна ҳам юксак вазифалар юклайди.

Берилган вазифаларни изчил ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида ташкил этилган минтақавий семинарда иштирок этиб, кўп нарсани яна ҳам чуқурроқ англаб етдик. Унда кўтарилган муаммоларни бартараф этиш бўйича аниқ тадбирлар белгилаб оламиз. Ушбу тадбир бизга катта таассурот қолдирди. Ҳамкасбларимиз билан ўзаро фикр алмашдик. Тажрибалар билан ўртоқлашдик. Семинарнинг Қаршида ўтиши яхши бўлди. 2700 йиллик тўйга тайёргарлик кўрилаётган шаҳардаги бунёдкорлик ишлари билан танишдик. Халқ манфаати учун олиб борилаётган ишлар кўлами бизни лол қолдирди. Ушбу ўзаро мулоқотдан тегишли хулоса чиқариб, тармоқда ходимларимизни ижтимоий муҳофазалашда бундан буён ҳам самарали меҳнат қилаверамиз.

**Муяссар ҚОДИРОВА,**
**Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилоят кенгаши раиси**







*Касаба уюшмалари ўқув марказида*





# ҚИШЛОҚ ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ РАИСЛАРИ

## билим ва малакаларини оширмоқдалар

Жамиятдаги қайси бир соҳа ёки тармоқни олмайлик, кадрлар танлаш, жой-жойига қўйиш ва уларни ўқитиш масаласи муҳим ўрин тутади. Айниқса, биз яшаб турган XXI асрнинг тезкор ва шиддатли ҳар бир куни янгиликлар ва ўзгаришларга бой бўлган бир шароитда ижтимоий-иқтисодий ҳаётда юз бераётган ислоҳотлар негизида мутахассислар малакасини, билим ва савияларини ошириб бориш ютуқларнинг асосий омили бўлади десак, муболаға бўлмайди.

Худди шу маънода Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши соҳа мутахассисларини доимий ўқув билан қамраб олиш йўналишида кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда. Тармоқ Марказий кенгашлари, ҳудудий бирлашмалар, вилоят бўғинидаги касаба уюшма органлари олдида турган муҳим вазифалардан бири-жойларда бошланғич ташкилотлар раҳбарлари ва фаолларини ўқитишни ташкил қилишдан иборат эканлиги Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси IV Қурултойида ҳам алоҳида таъкидланган эди.

Бугунги кунда Федерация кенгаши барча даражадаги касаба уюшма органлари ходимлари малакасини ошириш учун замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган ўқув марказига эга. Айни кунларда бу ерда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари, тармоқ касаба уюшма Марказий кенгашлари, уларнинг ҳудудий вакилликлари мутахассисларининг билим ва малакаларини ҳар томонлама ошириш, маданий-маърифий ва маънавий савияларини юксалтириш, мамлакатимиз ва жаҳондаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий янгиликлардан хабардор этиб бориш мақсадида ўқув машғулотлари давом этмоқда. Айниқса, ўқувларга бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раисларини жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, йил бошидан бери марказда бир қатор тармоқ касаба уюшма Марказий кенгашлари раислари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари мутахассислари, бошланғич касаба уюшма раислари тегишли дастурлар бўйича ўқитилди. Федерация кенгашининг вазирликлар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга ошириладиган тадбирлари асосида ташкил этилган "Касаба уюшмаларининг қишлоқ фуқаролар йиғинлари билан ўзаро ҳамкорлик фаолиятини ташкил қилиш" масаласига оид махсус ўқув машғулоти якунланди.

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси Республика бошқаруви билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур ўқувда Андижон вилоятидаги қишлоқ фуқаролар йиғини раисларидан иборат ҳар бири 25 кишилик икки гуруҳжами 50 нафар киши таҳсил олди. Улар билан жамиятни демократлаштириш, Республикамиздаги ислоҳотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий ва ташкилий асослари, "Кучли давлатдан кучли жамият сари" тамойилининг амалиёти мавзуларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуни, "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолотлари тўғрисида"ги Қонуни, "Диний экстремизм ва терроризмнинг бугунги жамият ривожига хавфи", "Қишлоқ фуқаролар йиғини ва ўзини ўзи бошқариш органлари раисларининг ҳуқуқ ва бурчлари", "Миллий анъаналарни сақлаш ва ривожлантиришда қишлоқ фуқаролар йиғинлари билан касаба уюшмалари қўмиталарининг ҳамкорлик шакллари", "Маҳаллаларда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашда қишлоқ фуқаролар йиғинларининг касаба уюшма қўмиталари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш", "Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси ва қишлоқ фуқаролар йиғинларининг фермерлик ҳаракати фаолиятини ривожлантириш ҳамда уларда ишловчиларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашни кучайтириш борасидаги ўзаро ҳамкорлиги", "Ҳудудларда "Маҳалла посбонлари" жамоат тузилмалари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш борасида ҳуқуқ органлари билан ҳамкорлик. Ёшлар билан ишлаш, гиёҳвандлик, ичкиликбозликка қарши курашиш йўллари", "Қишлоқ фуқаролар йиғинлари бошқарувида хотин-қизларнинг ўрни, маслаҳатчи, хотин-қизлар, яраштирув, тўй-маросимларни ўтказиш комиссиялари фаолияти", "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"да қишлоқ фуқаролар йиғинларининг вазифалари" тўғрисида таниқли фан арбоблари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллиги, (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Солиқ академияси, Тошкент Давлат юридик институти, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши мутасаддилари ва мутахассислари маърузалар, савол-жавобларга бой суҳбатлар ўтказдилар.

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган мазкур ўқув жуда катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга, — деди "Маҳалла зиёси" Республика ўқув услубий Маркази директори, фалсафа фанлари доктори Саминжон Раҳимов. – Чунки, жамоат бирлашмаларидан биринчи бўлиб касаба уюшмалари замон талабидан келиб чиққан ҳолда маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари ичига кириб бормоқда. Бу жамиятда касаба уюшмалари ролини мустаҳкамлаш билан бирга, ўзини ўзи бошқариш органлари учун ҳам жуда кўп нарса беради. Андижон вилоят қишлоқ фуқаролар йиғинлари раисларининг ўқуви мисолида олсак, улар ушбу ўқув давомида ҳар томонлама билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш билан бирга, жамиятимизни бундан-да гуллатиб-яшнатиш, «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили борасидаги тажрибаларини ҳам оширдилар. Республикамизнинг бугунги кундаги ички ва ташқи сиёсати, геополитика масалалари бўйича ўтказилган машғулотлар, Мустақиллик йилларида ҳаётимизнинг турли соҳаларида эришилган ютуқлар, жамиятимиздаги ислоҳотлар, Истиқлол берган имкониятлар, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, жамоа келишувлари ва шартномалари, гендер тенглик каби мавзулардаги маърузалар фикримизнинг ёрқин далилидир.

Бу борада андижонлик қишлоқ фуқаролар йиғинлари раисларининг ҳам ўзига хос фикрлари мавжуд.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**ЎзКУФК матбуот котиби**

*Эъзоз*

# БАЙРАМГА БАҒИШЛАНДИ

***Аёлни бекорга қалб гавҳарига менгзамаганлар. Унинг сиймосида, энг аввало, бизни ҳаётга келтирган Она кўз олдимизда гавдаланади. Шу боис мустақиллик йилларида аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ўзига хос маъно касб этаётир. Уларни қанчалик эъзозласак, эътибор кўрсатсак, жамиятдаги соғлом муҳит шу қадар барқарор бўлади.***

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамкорликда Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театрида Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб ўтказилган байрам тадбири аёлларга бўлган эътиборнинг ёрқин ифодаси бўлди, десак янглишмаймиз.

Унга 500 нафар тиббиётчи хотин-қизлар таклиф қилинди. Бир гуруҳ илғор соҳа вакилларига касаба уюшма совғалари топширилди.

Тармоқдаги аёллар билан ҳар қанча фахрлансак оз. Чунки ҳаёт мураккабликларига қарамай, улар ўз ишларига масъулият билан ёндошадилар. Бу соҳадаги самарадорликни юзага келтиради. Фақатгина уларга эътибор бўлса, бас.

Дарҳақиқат, мазкур тадбир ҳам аёлларга эътиборнинг бир намунаси. Бунга жавобан тадбирда иштирок этган тиббиётчи аёлларнинг юзида, кўзида мамнуният ифодасини илғаш қийин эмас эди. Улардан бири – Мирзо Улуғбек туманидаги Марказий поликлиника кичик тиббий ходимаси Маҳфуза Мухторова шундай дейди:

— Бугунги тадбирдан кўнглим осмондай юксалгандай бўлди. Бу қадар эътибордан сўнг янада жон куйдириб ишламай бўладими?

Тадбир иштирокчиларига дилрабо куй-қўшиқлар, театр санъаткорлари томонидан тайёрланган "Суперқайнона" спектакли намойиш этилди.

**Тўлқин ШЕРНАЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

Республика касаба уюшмалари томонидан ташкил этилган ўқув малака ва билимимизни ошириш имконини берди. Чунки, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари ҳам вақти-вақти билан ўз билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаб борсалар, нур устига аъло нур бўлади. Ушбу масалага айнан касаба уюшмалари эътибор қаратганидан беҳад миннатдормиз. Айниқса, фермер хўжаликлари сони ортиб бораётган бир пайтда машғулотларга таклиф этилган мутахассисларнинг маърузалари бизга кўп нарса берди.

## АЙНИ МУДДАО БЎЛДИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши мутахассисларининг меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимояси борасидаги маърузалари, бу борада улар келтирган ҳаётий мисоллар бизнинг фаолиятимизда ҳам жуда асқотади.

Сирасини айтганда, биз бу ердан фаолиятимизда зарур бўлган йўналишлар бўйича зарур билим ва тажрибамизни ошириб қайтмоқдамиз.

**Абдуқаҳҳор ҲАМРОҚУЛОВ,**
**Булоқбоши тумани, Найман қишлоқ фуқаролар йиғини раиси**

## УНУТИЛМАС ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ

Мен аввало бизга касаба уюшмалари Ўқув марказида, қолаверса, "Саёҳат сари" меҳмонхонасида яратиб берилган шарт-шароитлар ҳақида тўхталишни истардим. Барча замонавий талабларга жавоб берувчи мазкур ўқув масканининг жуда шинам ва қулай аудиторияларида ўқиш, бу ердан узоқ бўмаган меҳмонхона хизматидан бепул фойдаланиш имконини яратиб берган, дарслардан сўнг ажойиб маданий тадбирлар уюштирган Федерация кенгашига самимий раҳматимни айтаман. "Бешикдан қабргача илм изла" дея бежиз айтилмаган. Биз бу ерда билганларимизни давр талаби асосида мустаҳкамлаш билан бирга, яна кўплаб янги билим ва кўникмаларга ҳам эга бўлдик. Бу эса қишлоқларда ечилиши лозим бўлган масалаларни тўғри ҳал этишимизда жуда катта ёрдам беради.

Энг аҳамиятли томони шундаки, ҳар бир мавзу бўйича дарс ўтган мутахассислар бизнинг фикримизни ҳам ўрганиб, таклиф ва мулоҳазаларимиз билан танишдилар. Муҳими, мазкур ўқув касаба уюшмалари ва ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг янги бир босқичи сифатида унутилмас таассуротлар қолдирди.

**Холисхон ҲОЛМАТОВА,**
**Майарик қишлоқ фуқаролар йиғини раиси**

## БИЛИМЛАРИМИЗ МУСТАҲКАМЛАНДИ

Ўқувга таклиф этилган мутахассислар бизга жамиятдаги ролимизни аниқ ва равшан тушунтириб бера олдилар. Бундан шу кунгача олиб бораётган ишларимизнинг нақадар муҳимлиги, қишлоқ фуқаролар йиғинларининг жамиятда катта аҳамиятга эга эканлигига яна бир бор амин бўлиб, фахр туйғусини ҳис этдик. Шунингдек, ўқув қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаолиятини янада ривожлантириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш учун нималарга алоҳида эътибор бериш лозимлиги борасидаги тажрибаларимизни мустаҳкамлаш имконини берди. Ёшларни ватанпарварлик, Она юртга садоқат, халққа меҳр-оқибат, мардлик руҳида тарбиялаш борасида олиб борилаётган ишлар билан ўзаро ўртоқлашдик.

Маҳалланинг моддий-молиявий базасини шакллантириш ва тақсимлаш, қишлоқ фуқаролар йиғинларининг ўзини ўзи бошқариш органларида бухгалтерия ҳисоблари ва солиқ тизимини назорат қилиш йўллари, қишлоқ фуқаролар йиғини ва ўзини ўзи бошқариш органлари раисларининг ҳуқуқ ва бурчлари каби йўналишлар бўйича билимларимиз мустаҳкамланди.

Ҳукуматимиз томонидан хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида уларнинг тўлақонли иштирокини таъминлашга қанчалар жиддий аҳамият берилаётганлиги барчамизга маълум. "Қишлоқ фуқаролар йиғини бошқарувида хотин-қизларнинг ўрни" мавзуидаги маърузада ана шу масалаларга алоҳида урғу берилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, энди биз бу ерда олган таҳсил натижасида жойларда касаба уюшма ташкилотлари билан ҳамкорликда қандай ишлар олиб бориш борасида янада аниқ тасаввурга эга бўлдик. Эндиликда касаба уюшмалари билан ҳамкорликдаги фаолият йўналишлари, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясида нималарга алоҳида эътибор бериш лозимлиги борасида орттирилган тажрибаларни амалда қўллаймиз.

**Шарифахон ОТАБОЕВА,**
**Андижон тумани, Хартум қишлоқ фуқаролар йиғини раиси**

## Буни ҳаёт дейдилар

***Аёл! Қандай сиринг, афсуну сеҳринг бор сенинг! Олиму шоир ҳам, адибу раҳбар ҳам, тадбиркору фермер ҳам ўзинг. Уйда ҳам пазанда, меҳрибон она, севимли ёр ҳам, сен ўзинг. Ҳаммасига вақт ҳам, имкону куч ҳам топасан. Ҳаёт яратувчи фариштасан. Сенинг оналик муҳаббатингдан-да улуғ туйғу борми дунёда?! Минг бора афсус ила сўрайман бугун: қандай қилиб азиз исминг ёнига «жиноятчи» деган сифат қўшилди?! Сен жавоб берасан истаб-истамай. Эслайсан ўтмишнинг ширин дамларин. Жажжи болажонинг чучук тилларин. Хаёлан бағрингга босасан гоҳо, сен томон талпинган митти жуссасин. Қўлларинг муаллақ, кўзлар умидвор термуласан, ён-атроф сув қуйгандек жим. Уйғонмоқ истамас бу телба кўнглинг. Ахир сен онасан. Муқаддас аёлсан. Чидам ва бардошинг, куч, қудратинг, оналик меҳринг сингари беқиёс. Шу боис армонлар, афсус ва надоматларни четга суриб орзулар гирдобида яшаяпсан сен. Дилбандинг соғинчи, ота-онанг қайғуси нафақат дилингни, қалбингни, балки борлиғингни ўртайди. Кун санаб ўтаётган умринг қанчалар аянчли эканини, айрилиқ азобини ҳис қиласан. Яқинларинг дийдорига ошиқасан. Аммо нимадир сенга йўл бермайди. Ана шунда оқибатини ўйламай қилган ҳаракатинг сени қай кўйларга солганини тушунгандек бўласан.***

# СЕН БАРИБИР МУҚАДДАССАН, МУҚАДДАС АЁЛ!

*— Наҳотки пешонамга ёзилгани шу бўлса, — дея бизга юзланди 1975 йилда Жиззах вилоятида туғилган маҳкума аёл нажот ила термуларкан. Жиноят кодексининг 97-моддаси билан 15 йилга озодликдан маҳрум қилинган бу аёл уч нафар фарзанднинг онаси. Айни пайтда 7 ойлик чақалоғи муассасада дунёга келиб, ҳозирда шу ерда тарбияланмоқда.*

*— Ота-онанг, ака-укаларинг борми? — сўрайман ундан.*

*— Ҳа, ота-онам ҳам, бошқа яқинларим ҳам жуда яхши одамлар. Икки нафар фарзандим уларнинг қарамоғида.*

*У бир зум енгил тин олди. Эҳтимол шу дамда бахтиёр дамлари, фарзандлари, оиласи даврасидаги саодатли кунлар кўз ўнгидан ўтган бўлса керак. Беихтиёр бир томчи ёш думалади юзига.*

*— Биласиз қамалиб чиққанларга ўзгача кўз билан қарашади, — деди гапни давом эттириб. — Ҳаётда ниманидир йўқотиб қўйгандай юради бундайлар. Умрингнинг охиригача излайсану тополмайсан. Интиласану эришолмайсан. Қилмишим ўлим билан боғлиқ бўлгани учун узоқ йилга қамалдим. Нима бўлганда ҳам умид билан яшаяпман. Жиноятчи бўлсам ҳам онаман, фарзандларимнинг келажагини ўйлашим керак. Бу ерда ўтиришим шарт бўлса-да, уларнинг тақдири ҳақида қайғуришга мажбурман. Мендай онаси борлиги қанчалар оғир бўлса ҳам барибир ҳаётдаги бирдан-бир суянчиқлари эканимни яхши билишади. Эс-ҳушини таниганларида ҳам ўйлайманки, улар мендан юз ўгиришмайди. Мен юрган йўлдан фарзандларим юрмайди. Бошимга тушган бу қаро кунларни улар кўришмайди. Кеча-кундуз Худодан тилаганим фарзандларим камолини, бахтли ҳаётини кўриш. Мен қилган хатони улар қилмасин, дейман.*

*— Сизни бу жиноятга қўл уришга нима мажбур қилган эди? — дея юзланаман яна бир маҳкума аёлга.*

*— Нима десам экан... — Ўйланиб қолди 1977 йилда Тошкент шаҳрида туғилган Зуҳра. — Онам билан жанжаллашиб қолдик. Жаҳл чиқса ақл кетар деганларидек, унга пичоқ билан тан жароҳати етказдим. 10 яшар ўғлим ва отам билан бирга яшар эдик. Онам ўзи алоҳида яшайди. Шунга қарамай тез-тез жанжаллашиб қолардик. Отамни қаттиқ ҳақоратлаганидан онамга қўл кўтаришга мажбур бўлдим.*

*— Олдин ҳам бир маротаба қамалиб, амнистия шарофати билан озод этилган экансиз. Яна нега бундай нохуш ишни қилдингиз?*

*Олдинги қамалишимга ҳам онам сабабчи бўлган. Мени ўғирликда айблаб қаматганди. Жанжаллари жонимдан ўтиб кетди. Олдини олишнинг бошқа чорасини тополмадим. Ўғлим отам билан Россияга кетишди. Унинг катта бўлиб мени йўқлаб келишига ишонаман. Онамни кутаётганим йўқ, кўришни ҳам хоҳламайман.*



*Во ажабо, фарзанд ўз онасига ўлим тиласа-я. Ўз фарзандини соғина туриб, ўзи дунёга келтирган инсондан юз ўгирса?! Савол туғилади. Ҳар қанча хўрликка, бевафоликка, тақдирнинг ақл бовар қилмас синовларига чидаган аёл, нега ўз онаизорининг қилмишларига чидай олмади?! Наҳотки она-бола ўртасида меҳр уйғотиш шунчалар қийин бўлган бўлса. У қандай онаки ўзи дунёга келтирган жигарбандини тубанлик сари етакласа. Бундайларни ким деб атаймизу, қайси тил билан аёл, она дея оламиз. Тақдирнинг измими бу? Пешонасига ёзилгани шу экан деймизу кўнглимизга таскин берамиз. Ўзимизни қанча овутмайлик аёллик шаънига, ғурурига, иффату ибосига қарата отилган тошдан азият чекамиз. Ахир жамият аёл билан тирик. Бутун борлиқ унда мужассам. Шундай экан, у буюк хилқат. Ўзининг ана шу буюклигини унутганлар сўзсиз айбни ўзидан эмас ўзгадан излашади. Яна бир маҳкума, Худо берган оналик бахтини ўзига кўп кўрган аёл.*

*— Мен 1977 йилда Самарқанд вилоятида туғилганман, — дейди у. 7 яшар ўғлим бор. 3 йилу 6 ойга қамалганман. Турмуш ўртоғим билан Қозоғистонда ишлаб қайтдик. Келганимизда уйда телевизоримиз йўқ экан. Шундан сўнг уйда яшаётган навоийлик қиздан сўраганимизда у бу ҳақда ҳеч нима билмаслигини айтди. Орада жанжал чиқиб, эрим қизга пичоқ билан жароҳат етказди. Маҳкуманинг воқеани баён этаётиб кўзларидан дув-дув тўкилаётган кўз ёшларига қараб туриб, ҳам отадан, ҳам онадан айрилган жажжигина ўғилчаю қай бирига куйишни билмай эшикка термулганча тунларини дарду ҳасрат билан бедор ўтказаётган муштипар онани кўз олдимга келтирдим.*

*Сиз қандайдир хатога йўл қўйгансиз, дегим келди ўша ўзим кўрмаган аёл — онага. Ахир соғлом муҳитда яхши инсонлар камол топади. Чумчуққа ҳам озор беролмайдиган фарзандлар улғаяди.*

*— Мен Хоразмдан қизимни кўришга келганман — дейди неварасини етаклаб олган бир отахон. Қизининг қилмишидан қадди букилган бу инсон юзидаги сўлғинликни қанчалар яширишга уринмасин, титроқли овозидан бор азиятни англаш мушкул эмасди.*

*— Қизимга шунчалар ишонардимки, ҳатто унга осмондаги ойни деса ҳам олиб беришга тайёр эдим. Онаси билан тенгларидан кам бўлмасин, ўксимасин деб айтганини муҳайё қилишга ҳаракат қилар эдик. Ўғилларим ичида битта қиз бўлгани учунми, кўнглига қарардик. Сўнгги пайтларда у тўғрида айтилаётган гап-сўзлардан ҳам ҳушёр тортмаганимдан бугун афсусдаман. Ўша пайтда таниш-билишлар, қўшнилар қизимнинг айбини айтганларида уларни итдек қопгандим. У бўлса ишончни оқламай юзимни ерга қаратди. Қиз бола боши билан гиёҳвандликка берилиб, бизларни ҳам эсдан чиқарди. Ота-онаси эканимизнинг ҳам унга фарқи қолмади. Ҳатто турмуш ўртоғию, фарзанди ҳам кўзига кўринмади. Нима бўлганда ҳам фарзанддан кечиб бўлмас экан. Мана минг бир азоблар билан уни йўқлаб келиб ўтирибман. Ёнимдаги болакай унинг ўғли бўлади, - дея зорланди отахон.*

*Ҳа, ўнта бўлса ўрни бошқа, деган гап бор халқимизда. Шубҳасиз, жимжилоғини фойда бермайди, дея ҳеч ким кесиб ташламайди. Шунингдек, жинояти бўлса-да фарзанд ота-она учун ҳар доим азиз ва ардоқли.*

*Суҳбатимизга мазкур муассасанинг бошлиғи, подполковник Зулфия опа Мирсамукова қўшилди:*

*- Маҳкумаларга қараб туриб ачиниб кетаман баъзан. Уларни кўришга келганларнинг аҳволини кўриш эса ундан ҳам ачинарли. Бу ерга суд ҳукмига асосан жазони ўташ учун келганлар ҳаётда қандай хатога йўл қўйганликларини тезда тушуниб етадилар, - дейди у. - Лекин афсуски, вақтни орқага қайтариб бўлмайди. Шу боис иложи бўлса, ҳар ким, ҳар қачон жуда ҳушёрлик билан иш қилса, ҳаётга енгил-елпи муносабатда бўлмаса, хатолик ҳам бўлмасмиди. Қилмишидан ўзи ҳам, ўзгалар ҳам озор чекиб юрмасмиди, дейман. Уларнинг ҳар бири бир олам. Шунга қараб муомала қилишга, хатоларини тўғри англаб етишларига ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Вояга етмаганлар учун алоҳида тарбия жараёни олиб борилади. Ҳар қайси маҳкума бирон бир касб ўрганиб олиши учун ўқув машғулотлари ўтказилади. Касб ўрганганлари уни амалиётда қўллашади. Албатта меҳнат инсонни тарбиялаш омилларидан бири экани ҳеч кимга сир эмас. Ўйлайманки, улар озодликка чиққач, бу ерда ўрганган касбларини ҳаётга татбиқ этишади. Йўлини топиб кетишларида ундан фойдаланишади.*

*Кўриб турганингиздек, тақдир тақозоси билан муассасада дунёга келган болажонларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Улар маълум вақтгача шу ерда тарбияланишади. Шубҳасиз, бу болажонларнинг шу ерда туғилиб тарбия топганларига маълум маънода салбий ҳолат, деб қарасак-да, яхши томонлари ҳам йўқ эмас. Сабаби улар ёшлигидан она сути билан боқилади. Бунинг аҳамияти катта. Биз ҳар қанча шароит яратишга уринмайлик, барибир озодликда, эмин-эркинликда яшашнинг гашти ўзгача. Улар буни фақат шу жойга келгандан кейингина англаб етишади. Айниқса, узоқ йўл босиб, топган-тутганини орқалаб келган жабрдийдаларни кўриб ачиниб кетасан киши. Лекин ачинамизми, йўқми барибир жиноятни қилгандан кейин жазосини ҳам олиш керак-да.*

*Шу ўринда бир нарса кишига таскин беради. Бизга ҳамсуҳбат бўлган аёллар қалбида эртанги кунга ишонч бор. «Бир марта тўғри йўлдан адашдик, энди хато қилмаймиз», — дейишади улар.*

*Муассаса дарвозасини фаромуш ҳолда тарк этдим. Бу ҳис-туйғу, аввало, тўғри йўлдан адашган аёлларнинг қисмати, тақдири учун ачиниш эди. Ахир аёл ўз номи билан аёл-да.*

*Қолаверса, бу аёллар бугун яқинларидан йироқда, соғинч ва афсус-надоматлар гирдобида яшаётган бўлсалар-да, уларнинг иродаси синмаганлиги, давлатимиздаги бағрикенглик ҳамда қонунларимизга бўлган ишонч туфайли кўплари эртанги кунга умид билан қарашади.*

*Эҳ, тақдирнинг оғир зарбасига учраган аёллар. Сабр, ирода, ақл-заковат, оналарча меҳр-оқибат сизни четлаб ўтдими. Келажакнинг яратувчиси эканлигингиз, наҳотки хаёлингизга келмади. Аёл гўзаллик тимсоли эканлиги ёки онадек муқаддас нарсанинг ўзи йўқлиги, шу боис уларни Она Ватан, Она тупроқ, Она юрт дея муқаддас нарсаларга қиёс қилишлари бежиз эмаслигини унутган бўлсангиз?! Аёл деган номга муносиб бўлиб яшаш ҳам нечоғли зарур аслида. Аёлнинг аёллиги, унинг муқаддаслигини сақлашнинг ўзи ҳам юксак бахт экан дунёда. Илоҳим, ҳеч ким шу бахтдан бенасиб қолмасин.*

**Роза САЙДАҲМЕДОВА,**
**«Ишонч» махсус мухбири**

**Адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эҳсон ишларим билан фуқарога ҳомийлик қилиб, кўнглидан жой олдим.**

**Амир ТЕМУР**

## *Абадият қонуни*

# БИРОВГА БИРНИ БЕРСАНГ

## Худо сенга ўнни беради

Халқимизнинг буюклиги унинг маърифатга ошнолигию, мазлумларга ҳомийлигидандир. Бунинг бир кўринишини таклифи билан 2006 йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар» йили деб эълон қилиниши ҳам тасдиқлаб турибди.

Хўш, ҳомийлик нима? Нега биз бу сўзга тез-тез мурожаат этамиз? Шу маънода аждодлар ўгити ва ҳаёт йўли биз учун ибрат. «Амир-ул мўминий» деган шарафли номга сазовор бўлган аллома Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий билан боғлиқ ушбу ривоятга эътибор қилинг-а. Ул зот Макка, Мадина, Боғдод каби ислом оламининг йирик марказларида ҳадис илмини астойдил ўрганади. Шу билан бирга фиқҳдан ҳам таълим ва сабоқлар олади, йирик олимлар даврасида баҳс-мунозараларда қатнашади ва илми толибларга ҳам дарс беради. Кунларнинг бирида Боғдодда истиқомат қилиб турганларида имом Бухорий ҳазратларини йўқлаб мадрасада бирга ўқиган дўсти келади. Бошқа таомлари йўқлиги учун дўстини гиёҳлару кўкатлар билан меҳмон қилади. Дўсти Бухорога қайтишдан олдин имом Бухорийга оналари бериб юборган ақчаларни топширади. Аллома эса уларни ҳатто қўли билан ушлаб ҳам кўрмай, шогирдларидан бирини чақириб, ақчаларни толибларга тенг бўлиб беришини буюради. Мана шу кичик ривоятдан ҳам имом Бухорий ҳазратларининг қанчалар «буюк ҳомий устоз» эканликларини англаб етамиз. Зеро ул зот ўз манфаатларини четлаб ўтиб, толибларининг илм олишларини ўйлаб, шу ишни маъқул деб билдилар.

Шундай буюк қалб эгаларидан бири яна ҳазрат Алишер Навоийдир. Хондамирнинг «Макорим ул ахлоқ»ида айтилишича, Навоий ҳазратлари ота мерос катта мол-мулкларини, шунингдек, вазир сифатида эгалик қилган кўплаб сармояларини мамлакат ободончилиги йўлида сарф қилганлар. Улар Ҳиротнинг Инжил ариғи ёқасида «Ихлосия» мадрасасини, унинг ёнидан «Халосия» хонақосини қурдирадилар. Уларнинг яна бир улуғ хизматларидан бири, бу «Дорулшифо»нинг бунёд этилишидир. Бу ердан шифо излаб келганларнинг кети узилмас эди. «Халосия» хонақосида ҳар куни Қуръон тиловат қилиниб, Навоий ҳазратларининг ҳомийлиги остида фақир ва бечораларга таом тарқатиларди. Ул зот ҳар йили пўстин, босма чакмон, кўйлак-лозим, дўппи ва ковуш улашардилар. Давлатшоҳ Самарқандийнинг шаҳодат беришларича, Навоий ҳазратларининг саъй-ҳаракатлари билан Хуросоннинг машҳур булоқларидан — Тус вилоятининг юқори қисмида бўлган Чашмайигил сувидан ариқ қазилиб, сувсизликдан азоб чекаётган Машҳад халқига узунлиги 80 чақиримлик ариқ олиб келинади.

Тарихда шундай бобокалонларимиз ўтганки, улар бир қўл билан давлат арконини тутиб, бир қўл билан шифо истаб келганларни дардларидан халос қилганлар. Аштархоний Субҳонқулихон ана шундай аждодларимиздан биридир. Ул зот ўзлари хон бўлишларига қарамай, аҳли фуқарога шифохона қуриб, уни икки қисмга бўлганлар-да, бир қисмида толибларга табиблик илмидан дарс бериб, бир қисмида беморларни даволаганлар. Уларнинг бу хизматлари авлодлар томонидан ҳам эътироф этиб келинмоқда.

Ўрта Осиёнинг жазирама иссиғи йўловчиларни доимо ҳолдан тойдирган. Шу боисдан бундай йўлларда қудуқлар қазилган. Бу энг савобли ишлардандир. Муҳаммад Али Дукчи Эшон (1846-1898 йй) аждодлар анъаналарига содиқ қолган ҳолда,



Шаҳрихонсойнинг тепа қисмидаги Арáвон ва Асака ўртасидаги баланд сувсиз ерда «оби худойи» барпо қиладилар. Инсонларга ором бағишлаш учун бу жойда тоза сув билан лиммо-лим тўлдирилган хумлар турар, Дукчи Эшоннинг ям-яшил боғида йўловчилар дам олиб кетишарди. Бундан ташқари, ул зот мактаб қуриб муллаваччаларга сабоқ ҳам берганлар. Уларнинг ёниға дили сиёҳ бўлиб келганлар хурсанд ҳолда кетишган.

Яна бир маълумот. Чор Россияси исканжасида яшаётган мамлакатимиз тақдирида тошкентлик бир бой раислигида ташкил этилган «Жамияти хайрия» ташкилоти муҳим рол ўйнаган. Мана шу хайрия ташкилоти кўмагида мактаб очилиб, бир қанча мискин ва ожизлар ҳимояга олинган. Бу ташкилот мактаб-мадрасаларга тез-тез хайриялар бериб турган. Энг асосийси Россия ва Туркиядаги олий ўқув юртларига Туркистон ёшларини билим олишга юбориш билан ҳам жиддий шуғулланишган. Хусусан, Мунаввар қори бу ишларга доимо бош-қош эди. Ул зот Тошкентнинг бойоталарини йиғиб, уларни «Германияга ўзбек зиёли болалари ўқиб, таҳсил олиб келсалар, кейин улар миллатимизга катта хизмат қиладилар, биз бунга муҳтожмиз» дея тошкентлик Орифхўжабой, Саидкаримбой, Комилжонбой чойфуруш, Асил оқсоқол, Боқижонбой ва бошқаларни ҳомийликка ундаганлар. Уларнинг ҳомийлиги билан тошкентлик тўрт киши Германияга ўқишга юборилади.

Яна бир мисол: академик, тарих фанлари доктори, профессор А. Асқаровнинг Ленинградда аспирантурада таҳсил олиб келишларида ўзбек археологиясининг отаси Яҳё Ғуломовнинг хизматлари катта. Бу ҳақда А.Асқаров шундай деган эдилар, «Домла бизни кўришга бориб турар ва қийналмасин деб чўнтагимизга пул солиб кетардилар».

Ҳомийликнинг кўлами кенг. Айни вақтда серқирра. Ва энг муҳими, у шундай неъматки, берган одамнинг хазинаси камайиб қолмайди, аксинча, тобора баракалироқ кўриниш касб этади.

Балки шу боисми машойихлардан бизга ушбу ҳикмат мерос қолибдир: бировга бирни берсанг, Худо сенга ўнни беради.

**Севинч УЛАШОВА**

## *Назм бўстонида*

### ТОЖМАҲАЛ

***Оппоқ булут каби сукутда қаср,***
***Шашқатор кўз ёшдай оқар Жамуна.***
***Ўтса-да юз йиллар, бир неча аср,***
***Бу эҳром чин ишқдан олий намуна.***
***Ассалом, Шоҳжаҳон, эй буюк ошиқ,***
***Ўзинг ҳам эҳромга мангу қўйдинг бош.***
***Бу Тожмаҳал эмасдир, бу мангу қўшиқ,***
***Бу эҳром мармарга айланган кўз ёш.***
***Нега сукутдасан, менинг азизим,***
***Тўғри, лаҳза сукут – бу бир эътироф.***
***Кел, севги қасрига айлайлик таъзим,***
***Муҳаббат қасрини айлайлик тавоф.***

### ТУТАНХАМОН

*Қоҳирадаги миллий музейда фиръавн Тутанхамон хазинасига киришда гапирманг, деган ишора бор.*

***Эшик узра бармоқ оғизга имо,***
***Демаки хонада сукунат ҳолат.***
***Олтин тобут ичра бир буюк сиймо,***
***Бугун музейда у бир экспонат.***

***Демаки саройда ғанимлар ўлди,***
***Энди бўлмас сира фитна ҳукмрон.***
***Фиръавн фитнага курашмоқ бўлди,***
***Бироқ, эвоҳ, ўзи фитнага қурбон.***

***Қўйинг, ётаверсин, дам олсин подшоҳ,***
***У боқий риҳлатга равона этган.***
***Бироқ энди бизлар бўлайлик огоҳ,***
***Ажратиб қўймайлик тирноқни этдан.***

**Озод ХУШНАЗАРОВ,**
**«Оҳангароншифер» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма кўмитаси раиси**

### БАХТ БЕР ЭРКАККА

**(Жондан азиз аёлларимизга ҳазил аралаш табрик ўрнида)**

***Кўпам нозланмагил аёлман, дея,***
***Зўр эркак орзуси — хаёлман, дея,***
***Ошиқлар-чун ишқий саволман, дея,***
***Бўлиб чин маъшуқа бахт бер эркакка.***

***Юрасан кўчада қадди-қомат ғоз,***
***Кийимлар ораста, жойида пардоз,***
***Майлига шундай юр, лек бўлма танноз,***
***Мулойим «Ҳорманг» деб бахт бер эркакка.***

***«Суянган тоғим» деб титратма тоғни,***
***Сўзингда камайтир рангли бўёқни,***
***Фақат яхшилардан олгил сабоқни,***
***Муҳаббат бобида бахт бер эркакка.***

***Бўстон ваъда қилма, ўзинг бўл бўстон,***
***Ота бош, фарзандлар бўлсин соғ-омон,***
***Бир умр севилай десанг гар, ишон,***
***Бир ҳовуч бўлса ҳам, бахт бер эркакка.***

***Байрам куни, э воҳ, шод барча аёл,***
***Эркаклар хизматда бўлиб қадди дол,***
***Яхшики, бир йилда бир марта бу ҳол,***
***Кунда байрам бўлсин, бахт бер эркакка.***

***Деганлар эр-хотин гўё қўш ҳўкиз,***
***Дуолар қилгайлар: «Қўша қарингиз...»***
***Сен ва мен ўрнини олсин сиз ва биз,***
***Яратган бахт берсин аёл, эркакка.***
***Ҳаёт ўхшаб кетсин гўё эртакка.***

**Муҳиддин МАДАМИНОВ,**
**Бағдод туман солиқ инспекцияси касаба уюшма кўмитаси раиси**

# ЖУРЪАТ ТУЙҒУСИ

## *Фикр*

Ёшларда журъат туйғусини тарбиялаш зарурлиги ҳақида яқин-яқингача кўп гапириларди. Менимча, бугунги йигит-қизлар келажакка катта ишонч билан қарашади, бу эса уларнинг руҳан мустақил бўлишларига ҳамда янги довонлар сари дадил қадам ташлашларига имкон яратаётир. Албатта журъатли одам кўп нарсани амалга оширишга қодир. Агар у ўзига қаттиқ ишонган бўлса бошлаган ишида муваффақиятларга ҳам эришади.

Бир воқеани эшитганман. Рассомликка қизиққан йигит мактабни битириш арафасида ниятини уйидагиларга айтмоқчи бўлади. Лекин отаси "Ўғлим, издошим бўл, ўқитувчилик касбини танла" дейди. Шунда ўғил "мен ўқитувчиликдан кўра кўпроқ рассомликка қизиқаман" дейишга ботинмайди, очиғи, журъати етмайди. Мактабда дарс бериб юрган чоғларидаям расм чизишни канда қилмайди. Ахийри бир куни унинг расмлари катта бир кўргазмада намойиш этилиб, эвазига мукофотлар олади. Бундан суюнган ота "ўғлим, тузуккина рассом экансан-ку, нега рассомликка ўқишга кирмадинг?" дейди. Аммо, энди кеч эди. Ўғил индамайди. Балки, у ўзи қизиққан соҳа эгаси бўлганида бундан ҳам каттароқ муваффақиятларга эришарди...

Демак, журъат туйғусини ўз вақтида намоён эта билмоқ зарур экан. Мен яқинда талабаларимнинг мустақил ҳолда катта ишга қўл урганларини эшитиб жуда севиндим. Мусиқа факультетида ўқиётган ёшлар ўзларича "Тантана" гуруҳини ташкил этишибди! Бу гуруҳ аъзолари илк бор университетдаги йирик тадбирда иштирок этишди. Овозлари тиниқ, рақслари чиройли... Саҳна учун танланган кийимлар одми бўлса-да, ўзларига ярашган. Олган билимларини, дарс давомида ўрганганларини намойиш этаётган талабаларнинг журъати мени тўлқинлантириб юборди. Ҳатто бу гуруҳ аъзоларига хонанда Самандар ўз маслаҳатларини бериб, "бу ишларингиз катта натижа беришига ишонаман!" дебди. Хуллас, ёшлардаги журъат туйғуси эзгу ишларни ўз вақтида амалга оширишда асқотишига илгари ишонардим, энди эса бунинг яққол исботини талабаларим мисолида кўриб турибман.

**Луиза РАСУЛОВА,**
**Тошкент Давлат педагогика Университетининг катта ўқитувчиси**

## СОДИҚ ДЎСТ

Ит кишилар қўлга ўргатган биринчи уй ҳайвони экани тарихдан маълум. Итнинг аждодлари бўри билан чиябўри ҳисобланган. Бундан қарийб 12 минг йил муқаддам бу ҳайвонни одамзод эҳтимолки ер куррасини кўпгина қисмида бир вақтда хонакилаштирган бўлиши мумкин. Ўша қадим замонларда кишилар ит гўштини истеъмол қилишган. Кейинчалик унинг бирор хавф-хатар бўлса, ўз эгасига вовуллаб хабар қилишини билиб олганларидан кейин соқчи қилиб тайинлайдиган бўлишган.

Ундан кейин эса овга ўргатишган. Шундай қилиб, ит одамнинг яқин дўстига айланиб қолган.

**А.АЛИЕВ тайёрлади**


ЎЗБЕКИСТОН ЕНГИЛ, МЕБЕЛ САНОАТИ ВА
КОММУНАЛ-МАИШИЙ ХИЗМАТ ХОДИМЛАРИ
КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
Ҳаётимиз гуллари бўлмиш барча аёлларимизни
8 март - Баҳор ва гўзаллик байрами билан
самимий муборакбод этади.
Шоду хуррамлик ва бахт ҳамиша Сизга ёр бўлсин!

# ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ВА МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ ТАРМОҚЛАРИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

***Ушбу қувончли кунларда мунис оналаримиз, барча опа-сингилларимизга бахт-саодат, тинчлик ва фаровонлик тилайди.***

***Айёмингиз муборак бўлсин, муҳтарама аёллар!***



# СКАНВОРД

Тузувчи: Ф.ОРИПОВ

Ҳарбий унвон | Ҳаё | Қадр-ли | Ҳур-мат | Ҳар-бий | Металл печи | Металл сим | ...кар | Шамол тури | Космо-навт | Шамсий ой | Фар-мон | Эркак исми | Футбол юлдузи | Овоз тури | Нил тўғони | Сўнгги ўйин | Фа-лак | Ўйин | Қонун қисми | Днепр ирмоғи | Халқ | Муко-фот | Мил-лат | ...жом | Япон маршали | Жомий асари | Ҳудуд бирлиги | Футбол жамоа | Бекор | Овоз | Ра-қам | Шифо-хона | Эркак исми | Ер эгаси | Меҳ-нат | Ҳас-са | Даста | Мута-хассис | Кимё моддаси | Ёзув қатори | Тран-спорт | Се-кин | Грузин шоҳмот-чиси | Француз адиби | Тола | Синф жиҳози | Зарб асбоби | Илти-фот | Улуғ зот | Россия шаҳри | Нота | Дарё | Муз тоғ | Бе-гона | Тақин-чоқ | Буюк | ...лос | Мулк-дор | Бошқо-тирма | Кимё моддаси | Немис олими | Газ модда | Ёзув қоидаси | Ра-қам | Ҳай-вон | Узум нави | Уй қисми | ...бот | Тиш ши-фокори

*Одамдан юқори туpаркан олам,*
*Билим оширмоққа*
*муҳтожди одам .*

**Рудакий**

*Кўнгилларни сурури*
*илмдандир,*
*Кўрар кўзларни нури*
*илмдандир.*

**Ҳайдар Хоразмий**




## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"TULPOR" савдо уйи
масъулияти чекланган жамияти

- *Россия Федерациясининг барча турдаги "УАЗ" автомобилларини нақд пулга ҳамда пул ўтказиш йўли билан, шунингдек, кредит асосида сотишини маълум қилади.*
- *Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади.*
- *Автомобилларга божхона солиғи тўланган.*
- *Уларнинг сифати тўла кафолатланади.*



*Мурожаат учун телефонлар:*
*(8-371) 117-46-10; 76-33-51 Факс: (8-3712) 76-77-20.*


## БАҲОР ЭЗГУЛИК РАМЗИ

Баҳорда кўкатлар туманот гиёҳ,
Толиққан танага қуввати даво.
Наврўз - баҳор боши,
Баҳор - фасллар нақши.
Бинафша ўзи жажжию
Тароватн бир жаҳон.
Нон исига тўймоқ йўқ.
Гул ҳидидан - безмоқ.
Гул ўз ерида чиройли,
Одам ўз элида.
Баҳор - оламни гулга буркайди,
Одамни - қуту нурга.
Қир кўрки - лола,
Оила кўрки - бола.
Гул офтобга интилади,
Одам гўзалликка.

**А.АЛИЕВ тайёрлади**

## *Билиб қўйган яхши*

**Қовоқнинг хосиятини ҳамма яхши билади. Лекин қовоқ уруғида 24,5 — 28 фоиз қимматли ўсимлик оқсили, 20 — 46,7 фоиз ёғ, нозик илегчатка, фитостеринлар, қатронсимон моддалар борлигини кўпчилик хаёлига ҳам келтирмайди. Қовоқнинг қуриган уруғлари 553 калория беради. Қовоқ уруғи организмда фосфор, магний, марганец, телид, руҳ, еслена тақчил бўлиб қолганда жуда фойдалидир. Қовоқ уруғларида яна кальций, кремний, хром, кобальт, мис, витамин B1, B2, С ва Е, каротин, фолат кислота бор.**

# АҚЛ ВА ҚАЛБ ДОРИСИ

Унган қовоқ гижжаларга қарши ва сийдик ҳайдаш хусусиятига эга. Улар меъда-ичак йўли ишини яхшилайди, ўт ажралишини меъёрлаштиради, организмда сув ва туз алмашинувини фаоллаштиради, иммунитетни оширади, қон яратилишига ёрдам беради, холестерин миқдорини камайтиради, юракнинг ишини яхшилайди. Унган қовоқ актеросилероз ва гипертония касаллигининг ривожланишини олдини олади. Қовоқ уруғлари гижжани тушуриш меъёрига эга бўлганидан лямбиноз ва турли хилдаги гельминтозларнинг олдини олиш учун фойдаланилади. Унган қовоқ уруғлари лентасимон қуртлар ва гижжа, (острицалар)ни туширишда жуда яхши доридир. Улар гижжани туширадиган кимёвий дорилардан самаралироқдир. Айниқса, 2 — 3 яшар болалар, ҳомиладор аёллар, эмизикли оналар ва 60 ёшдан ошган одамлар буни ҳисобга олишлари ва қўллашдан олдин, албатта, шифокор билан маслаҳатлашишлари керак.

Унган қовоқни мунтазам равишда истеъмол қилиб туриш аёл ва эркак кишиларнинг фарзанд кўриш тизимига яхши таъсир кўрсатади. Жинсий безлар ишини рағбатлантиради, пешоб-таносил тизими ишини яхшилайди, пешоб халтаси мушакларини мустаҳкамлайди, эркакларнинг шаҳвоний қувватини оширади, простата бези ишида камчилик бўлмайди. Айниқса, 45 ёшдан ошган эркакларда простатанинг олдини олишда жуда фойдали. Унган қовоқдан простата бези аденомасини комплекс даволашда, жигар ва буйракнинг ўткир ва хроник касалликларида қўллаш тавсия этилади.

Унган қовоқдаги уруғ бош миянинг яхши ишлаши учун зарур, у одамнинг ақлий қобилиятига яхши таъсир қилади, хотирани яхшилайди, чарчоқни ёзади ва асабийликни тинчлантиради, уйқуни яхшилайди. Ҳолдан тойадиган ва организмни қувватдан кетказадиган узоқ давом этган касалликдан кейин иммунитетни мустаҳкамлаш учун буюрилади.

Қовоқнинг унганини қовоқ уруғларидан (пистасидан) олинади. Бунинг учун қаттиқ пўчоғидан яхшилаб тозаланади. Қовоқ уруғининг мағзи бутун бўлиши, уруғнинг кўк пардасига зарар етмаслиги шарт. Одатда қовоқ мағзини 7 — 8 кун ундириб қўйилади. Шу вақтга келиб, мағиз аччиқ бўлиб қолади. Уларни ириб, ёпишқоқ бўлиб қолмасдан олдин, унгандан кейин 3 — 4 кун ичида уна бошлаганда истеъмол қилиш лозим. Ёпиқ шиша идишда, совутгичда 3 — 5 даражада сақланади. Ҳар куни совуқ сувда яхшилаб чайиб туриш керак.

Унган қовоқ мағзининг ўзини еса ҳам, совуқ овқатларга қўшиб истеъмол қилса ҳам бўлади.

Лекин истеъмол қилишдан аввал мутахассис-шифокор билан маслаҳатлашишни унутмаганингиз маъқул.

**Манзура РАҲИМОВА,**
**биолог**

Ўзбекистон автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши Сурхондарё вакиллиги бош ҳисобчиси Бўри Сарибоевга волидаи муҳтарамаси

**НОРТОШ** аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# САНЪАТДА ЯНА БИР ЮЛДУЗ

***Бугунги ёшларга ҳар қанча ҳавас қилсак оз. Улар эришаётган ютуқлар эса ҳақли равишда эътирофга лойиқ. Ана шундай ёшлардан бири Камилла Аҳмеджоновадир.***

Камилла – тошкентлик, болалигиданоқ пионино чалишга қизиққан. Бора-бора қизиқиш орзуга айланди. Ҳали ўқувчилик пайтидаёқ, ёш қаҳрамонимиз Республика мусобақасида биринчи ўринни эгаллаганди. Успенский номидаги мусиқа мактабини битирмай туриб, яна бир нуфузли танлов ғолиби бўлди. Қозоғистонда ўтказилган халқаро танловда пионино бўйича унинг олдига тушадигани топилмади! Тошкент давлат консерваториясининг дастлабки босқичида таҳсил олаётганида эса Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган Елена Образцова номидаги халқаро танловда ғолиб чиқди. Бундан ташқари, Бакуда бўлиб ўтган "Булбул" халқаро танловининг "Энг яхши концертмейстер" мукофотига сазовор бўлди.





Камилла консерваторияда ўқиш билан бирга Алишер Навоий номидаги Давлат опера ва балет катта театрида концертмейстер бўлиб ишлайди. Халқаро танлов Камиллани магистратурага имтиёзли қабул қилинишига шароит яратиш билан бирга, Алишер Навоий номидаги давлат стипендиясини олишга ҳам замин яратди. Якинда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган "Тасанно" тақдимотида халқаро фестивал ва танловларда ғолиб чиққан 67 нафар ёшлар тантанали тақдирланди. Улар орасида Камилла Аҳмеджонова ҳам бор эди. Дарҳақиқат, ўзбек санъатини келажаги айнан Камиллага ўхшаган иқтидорли ёшлар қўлида. Мусиқа, санъат осмонида порлаётган Камилладек ёш юлдузларга кўз тегмасин, уларни доимо мадад кучлари қўлласин.

**Рустам ҲАЙДАРОВ,**
**«Туркистон-пресс»**

# ҚАЙДАСАН, ҲАЁ?

## Биз ҳар куни учратадиган, аммо кўриб-кўрмасликка олинаётган уч манзара хусусида

### 1.ҒУРУРИНГИЗ БОРМИ?

Замон жуда шиддат билан ўзгаряпти. Жамиятдаги оламшумул янгиликлар барчани ҳайратга солаяпти. Айниқса, ёшлар руҳиятидаги ўзгаришлар, турли-туман қарашларни бир сўз билан изоҳлаш қийин. Бу ҳол шаҳарга ўқишга келган қизларда кўп учрайди... Биз ҳам талаба бўлганмиз. Қишлоқдан шаҳарга келиб, фақат яхшиликка интилганмиз...

Шоир Сирожиддин Саиднинг:

**Шаҳар тунлар ўхшар хатарга,**
**Хавфлар босиб ётар кўксини.**
**Онам бу шубҳали шаҳарга,**
**Ишонмайди сендай қизини...**—

сатрлари бизни ҳамиша ҳушёрликка чақирарди. Бу сатрлар Виждонимизни уйғотиб турарди, шаънимизга доғ туширгани, номимизга гард ҳам юқтиргани қўймасди...

Бугун одоб, шарму ҳаё, бир мунча арзонлашгандек... Катта шаҳарлар эмас, ҳатто кичик шаҳарчаларда ҳам одоб меъёри бузилаётгни кишини жиддий ҳавотирга тушираётир. Кўчалар, хиёбонлардан ногоҳ ўтиб қолсангиз, куппа-кундуз ҳали она сути оғзидан кетмаган йигит-қизларнинг беҳаё ҳаракатларидан уялиб кетасиз. Улар эса пинагини ҳам бузмайди. Ва бу хунук манзара хиёбонлардан жамоат транспортларига "кўчаётгани" дард устига чипқон бўлмоқда. Бундай, ўта "замонавий" манзарага деярли ҳар куни дуч келамиз, бироқ... кўриб кўрмасликка оламиз. Нари борса, ичимизда ғудраниб, нафратимиз сўзсиз баён этиладики, бундан кимга фойда?!

Тўғри, тан олиш керак, бугунги ёшлар орасида ақлирасо, илғор фикрли, зукколари оз эмас. Аммо, тарозунинг иккинчи палласини ноқобил ёшлар босиб турибди. Ёмонларга ёндашган ёшлик бевақт хазон бўлиши аччиқ тажрибалардан аён. Камчиликлар тилга олинганда, "Камолот" ёки "Маҳалла"га айбни тўнкаш билан иш битмайди.

Ёшлик — муҳаббат фасли-ку, ахир ҳамма ҳам бу туйғудан сармаст бўлиши мумкин-ку, деб ўзларини оқлашга ҳаракат қилади баъзи ўсмирлар.

Йўқ, бу туйғу кишини одобсизлик, шарму ҳаёсизликка эмас, фақат эзгуликка боғлайди, қалбига ҳақиқий муҳаббат кирган инсон ўзидаги ёмон ҳислатларни яхши фазилатларга алмаштиргиси келади. Ахир, қайси шоир муҳаббат мавзуидаги асарида фаҳшни тарғиб қилган?!

### 2.ЕРДА ҚОЛГАН КЎНГИЛЛАР...

Гул-кўнгил. Чунки гулни ҳар кимга ҳам совға қилавермайсиз. Уни фақат кўнглингизга ёққан кишига чин юракдан тақдим этасиз.

Бугун олам гулларга тўлиб кетди. Ҳозир гулсиз ўтадиган бирор кун, бирор лаҳза кам. Гул кўпайди, аммо унинг қадри-чи? Саҳналарда даста-даста гуллар... кўзларни қувонтиради. Нега дейсизми? Ахир, саҳнадаги севимли хонанданинг қўлларига гулларни эҳтиром билан топширасиз, у гулларни ерга, оёқ остига улоқтирганини кўриб... сесканасиз! Чаққон раққосанинг оёғи остида хор бўлган гулларни кўриб эзиласиз. Аммо бу ҳолатга ҳам кўзингиз ўрганади. Кўникиш ғолиблик қилади. Бу ҳар кимнинг шахсий иши, деб қарашга кўникамиз. Аслида хонанда-ю раққосага гул тутиш мутлақо шахсий иш. Аммо оддий маданият ҳеч кимнинг шахсий иши эмас-ку?!

Айрим мамлакат фильмларига эътибор берган бўлсангиз, туғилган кун ёки ҳар бир бахтли кунга ташриф буюрадиганлар гуллар ва совғаларни олдиндан юборишга одатланишган. Сабаби, меҳмон қандай эҳтиромга муносиб бўлса, унинг гуллари ҳам ана шундай эъзозга лойиқ. Шарқу Ғарбнинг турли одату модаларини яшин тезлигида ўзлаштириб олишга устамиз-ку, нега энди кенгдан-кенг саҳнадаги гулларни ерга эмас, махсус жойга стол қўйиб жойлаштиришни ўрганмаймиз?! Нима учун жаҳон эстрадасининг айрим мусиқаларидан андоза кўчиришга уялмаймизу, томошабинга ҳурмат ва эҳтиром маданиятини ўрганишга ор қиламиз?

### Ўйлаб кўринг!

### 3.САВДОЙИ ҚЎШИҚЛАР БОЗОРИ

Бу ёруғ оламда куйсиз, қўшиқсиз яшаб бўлмайди. Инсон қалбидаги ҳар қандай туйғу ана шу оҳанглар, ана шу наволар ёрдамида юксак орзуларга, мақсадларга айланади. Яхши қўшиқлар дилдан-дилга, тилдан-тилга ўтаверади, кўнгилларни бир-бирига боғлайверади. Афсуски, бугунги қўшиқларнинг ҳаммасини ҳам дилга яқин деб бўлмайди.

Бугун ҳавойи қўшиқларнинг бозори чаққон бўлиб қолганлиги сир эмас. Негаки, овоз ёзиш студияларида мазасиз қўшиқларни кўпайтириб, тарқатишга ишқибозлар кўпайди. Телевидение орқали ҳам улар тез-тез пешонангизга уриладиган бўлди. Улар шу қадар кўпайдики, ҳар куни шундай қўшиқларга дуч келишга мажбурсиз.

Бир вақтлар ўзбек қизлари "севдим" деган сўзни тилга олишга ийманарди... Бугунги қизлар, айниқса хонандачалар "Мен уни севаман, у менга парво ҳам қилмайди, мен шу севги йўлида ўламан, барибир изидан қолмайман..." каби кишининг ғашини келтирадиган, "ўпмайди-қучмайди", деган иддао оҳангидаги хонишлардан энсангиз қотади. Қизиғи, бундай қўшиқни гоҳ тиз чўкиб, гоҳ сакраб, куйлашади?! Қани, қизларимиздаги, қўшиқчиларимиздаги одоб, қани нафосат, маънавий гўзаллик?

Беўхшов қилиқлар, маза-матрасасиз қўшиқ ижролари ҳам ҳолва экан. Энди айрим хонанда қизларимиз саҳнага бемалол ярим ялонғоч ҳолда чиқишга ўрганишди. Кўзингизни куйдириб, миллий ғурурингизни қиличдан ўтказиб, ўзбек тилида куйлаганига ўласизми? Ҳамма нарсанинг меъёри, чегараси бор, ахир?!

**Маруса ҲОСИЛОВА**

## 6-12 март МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**ҚЎЙ.** Ҳафта бошида анчадан бери сизни қийнаб келган молиявий муаммоларингизни ҳал қилинг. Якшанбада сафарга отланишингиз мумкин.

**БУЗОҚ.** Душанба тадбиркорлар учун омадли кун. Ҳафта охирида яқин биродарингиз билан учрашувни белгиламанг. Оила аъзоларингиз даврасида бўлганингиз маъқул.

**ЭГИЗАКЛАР.** Ушбу ҳафта сиз учун омадли келади. Ҳафта охирида келгуси режаларингизни пухта ўйлаб олиш учун асабингизга дам беринг. Шундай қилсангиз режангиз амалга ошиб, кўп даромад қиласиз.

**ҚИСҚИЧБАҚА.** Душанба ижодкорлар учун яхши келади. Фақат молиявий қийинчиликни ўйламанг. Якшанба куни катталар билан тортишманг. Моддий қийинчиликларни бартараф қилиш учун эртароқ ётиб ухланг.

**АРСЛОН.** Душанба куни оғир иш ёки топшириқларни бажаришни куннинг иккинчи ярмига қолдиринг. "Кайфиятингизни кўтаринг. Ҳафта охирида нохуш хабар сабабли ҳамма режангиз ўзгариши мумкин.

**ПАРИЗОД.** Ушбу ҳафта ҳар қандай ишга қўл урсангиз омадингиз келади. Фақат қарзларингизни узишни унутманг. Дам олиш куни оилавий ташвишда бўласиз.

**ТАРОЗИ.** Душанба кун иложи борича ҳеч ким билан тортишманг. Чунки омадингизни қўлдан бой бериб қўйишингиз мумкин. Дам олиш куни моддий рағбат оласиз. Оила аъзоларингиз билан маданий ҳордиқ чиқаришни унутманг.

**ЧАЁН.** Ҳафта бошида ҳеч қандай шартнома ва учрашувларни белгиламанг. Чунки тушкун кайфият билан мақсадга эришолмайсиз. Дам олиш кунингизни ёру биродарларингиз билан табиат қўйнида ўтказинг.

**ЎҚОТАР**. Бир қозонда икки қўчқорнинг боши қайнамайди, деган мақолга амал қилинг. Шундай қилсангиз моддий манфаатингиз кўпроқ бўлади. Ҳафта давомида ишингизда катта ўзгаришлар кутилмоқда. Бу сизга омад келтиради.

**ТОҒ ЭЧКИСИ.** Ҳафта мобайнида сизга ҳамкорингиз яхши иш таклиф қилиши мумкин. Бу сиз учун айни муддао. Фақат иш танлашда адашманг.

**ҚОВҒА.** Бизнесда ҳамкор танлашда шошилманг. Чунки таваккалчилик доимо фойда келтиравермайди. Фақат ўзингизни ўйламанг. Ҳафта охирида атрофдагиларга хушмуомалада бўлинг, имкон қадар уларга ёрдам беринг.

**БАЛИҚ.** Душанба куни кўпроқ чиқим қиласиз. Соғлигингиз ҳақида қайғуринг. Ҳафта охирида уйдаги барча муаммоларингизни ҳал қилинг.

ISHONCH
МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 23.30

Тиражи: 18855

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 514